

“O`ZVAGONTA`MIR” АЖ тафтиш комиссиясининг 2022 йилнинг 2 чорак даври ҳисоботи

Тафтиш комиссияси раиси А.А. Шакиров ҳамда аъзолари Р.Р. Ходжабеков ва З.О. Ишимовлар томонидан 2022 йилнинг 2-чорак даврининг молиявий ҳисоботлари қуйидаги шакллар асосида кўриб чиқилди:

- Бухгалтерия баланси (1-сонли шакл)
- Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот (2-сонли шакл)

“O`ZVAGONTA`MIR” АЖ устав капитали 2 968 227 минг сўмни ташкил этади. Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботи Ўзбекистон Республикасининг миллий ҳисоб стандартлари ва қонун ҳужжатларига мувофиқ олиб борилади.

2022 йил 1 июл ҳолатига ходимлар сони 748 кишини ташкил этган. 2021 йил шу даврига нисбатан ходимлар сони ўзгармаган.

2022 йил 1 июл ҳолатига ўртача ойлик иш ҳақи 3 388 112 сўмни ташкил этган. 2021 йил 1 июл ҳолатига нисбатан 293 224 сўмга ошган.

2022 йил 2 чорак даври мобайнида “O`ZVAGONTA`MIR” АЖ даромадлари жами бўлиб 31 199 351 минг сўмга тенг. Шундан,

- Асосий фаолиятини даромадлари – 30 250 283 минг сўмни,
- Бошқа даромадлар – 949 068 минг сўмни ташкил этган.

Жамиятнинг 2022 йил 1 июл ҳолатига жами бўлиб харажатлари 31 048 704 минг сўмни ташкил этган.

Шулардан,

– Сотилган маҳсулотлар (товарлар, ишлар ва хизматлар) таннари 27 482 445 минг сўмни;

– Давр харажатлар жами бўлиб 3 566 259 минг сўмни ташкил этган.

Шундан:

- маъмурий харажатлар – 1 787 091 минг сўмни;
- бошқа операцион харажатлар – 1 779 168 минг сўмга тенг.

2022 йил 2 чорак ҳолатига солиқларни тўлагунга қадар фойда 150 647 минг сўмни ташкил этган. Солиқлар тўлангандан кейинги соф фойда эса 125 523 минг сўмни ташкил этади.

2022 йил 1 январ ҳолатига асосий воситаларнинг бошланғич қиймати 17 354 547 минг сўмга тенг бўлган бўлса, эскириш қиймати 9 732 055 минг сўмни, қолдиқ қиймати эса 7 622 492 минг сўмни ташкил этган. Ҳисобот даври охирида яъни июл ҳолатига эса асосий воситаларнинг бошланғич қиймати 17 425 600 минг сўмни, эскириш қиймати 10 070 020 минг сўмни, қолдиқ қиймати эса 7 355 580 минг сўмни ташкил этган.

2022 йил 1 январ ҳолатига дебитор қарздорлик 9 448 367 минг сўмни ташкил этган бўлса ҳисобот даври охирида 681 619 минг сўмга кўпайиб 1 июл ҳолатига 10 129 986 минг сўмни ташкил этди. Муддати ўтган дебитор қарздорлик мавжуд эмас.

2022 йил 1 январ ҳолатига кредитор қарздорлик суммаси 20 464 039 минг сўмни ташкил этган бўлса 2022 йил 1 июл ҳолатига эса 1 031 061 минг сўмга камайиб 19 432 978 минг сўмни ташкил этган. Муддати ўтган жорий кредитор қарздорлик мавжуд эмас.

Жамиятнинг аффилланган шахслари билан битимлар Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг (кейинги ўринларда-Қонун) 9-бобига мувофиқ тузилиши лозим.

Қонуннинг 87-моддасига мувофиқ, Жамиятнинг аффилланган шахси билан тузиладиган битим тўғрисидаги, тузилиши кутилаётган битим тарафининг ёзма билдиришида кўрсатиладиган ахборот жамиятнинг ижроия органи ва ички аудит хизмати (агар у мавжуд бўлса) томонидан ўрганилади. Ўрганиш натижалари баённомада расмийлаштирилади. Баённомада битимнинг юридик, молиявий, техник ва бошқа муҳим жиҳатлари ҳамда унинг жамият фаолиятига кўрсатиши мумкин бўлган таъсири назарда тутилган бўлиши кераклиги белгиланган.

“Ўзвагонтаъмир” АЖ
тафтиш комиссияси раиси



А.А. Шакиров

Тафтиш комиссияси аъзолари



Р.Р. Ходжабеков



З.О. Ишимов